O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 14 февраль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 13 (7312)

**Da'vat**

**Кўп билган эмас, билими манфаат келтирувчигина донодир.**

**ЭСХИЛ**

**Ibrat**

**Қамаши туманида яшовчи Рўзимурод бобо Жалилов Абдулла Қодирий номидаги мактаб кутубхонасига 86 дона китоб совға қилди. Бу нодир тухфа энг сара бадиий адабиётлардан ташкил топганлиги билан эътиборлидир.**

## JUMLADA JAHON

**• Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги йиғилишида 2000 йилда хўжалик субъектлари фаолиятини текширишни тартибга солиш бўйича олиб борилган ишлари якунлари муҳокама қилинди**

**• "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармасида бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимизда ўтган йили ўтказилган Экология ва саломатлик кунларининг уч босқичи якунлари муҳокама этилди.**

**• "Тошкент трактор заводи" давлат акциядорлик жамиятида 2001 йилдан бошлаб "ТТЗ 60.10", "ТТЗ 10.11", "ТТЗ 80.10", "ТТЗ 8.11", "ТТЗ 100.К.10", "ТТЗ 100.10.11" русумли тракторларни ишлаб чиқаришга киришилди.**

**• Наманганда "Камолот" ёшлар ҳаракати ташаббускор гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

**• Россия Федерацияси президенти В.Путин Австрия федерал канцлери Вольфганг Шюссел билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг журналистлар билан қилган суҳбатида НАТОнинг Шарққа томон кенгайишига қарши эканлигини билдирди.**

**• Афғонистондаги Толибон ҳукуматининг ташқи ишлар вазири Вакил Аҳмад Мутаваккил бундан бир оз аввал Усама бин Лоденни бирорта ислом давлати судига топширилиши ҳақида тарқалган хабарни рад этди.**

**• Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларида қашшоқликка қарши кураш муаммоларига бағишланган анжуман ниҳоясига етди.**

**• Хитой ҳукумати Цинхай-Тибет темир йўли лойиҳасини маъқуллади.**

**• Россияда грипп эпидемиясидан саккиз киши, жумладан, олти нафар бола вафот этди.**

## 14 fevral — Zahiriddin Muhammad Bobur tavallud topgan kun



Тошкентдаги 137-мактабда 1-тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси Замира Муродовани бутун жамоа ҳурмат қилади. Замира опа шу мактабда йигирма йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўқитувчи ўқувчиларга билим бериш билан бир қаторда ташкилий ишларда ҳам ўзини кўрсата олади. У шу кунларда мактабдаги она тили ва адабиёт услубиёт уюшмасига раҳбарлик қилмоқда.

Дарс жараёнида ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқи ривожига аҳамият бермоқда. У ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ўстириш учун ҳар бир дарсни янгича усулларда ўтади.

Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун арафасида ёш ижодкор болаларнинг Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган ғазалхонлик базми уюштирилди. Бобур ҳаёти ва ижоди тўғрисида ўқувчиларга маълумот берилди.

**Эгамберди СУЮНОВ**

## «ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ»

# ЁШЛАР ДОИМО ЖЎШҚИН

Ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат,элу юртга фидоийлик туйғусини кучайтириш, Ўзбекистон келажагини ишончли қўлларга топшириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини тузиш ташаббускор гуруҳи вакиллари билан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг учрашуви ва учрашувда сўзлаган нутқи юрагида она-юртга, ўзбек халқига муҳаббат тўлиб-тошган йигит-қизларни яна бир бор уйғонишга даъват этди. Оловқалб ёшлар тузилажак ҳаракатнинг қандай бўлиши кераклиги, бу ҳаракат ёшларга қандай амалий ёрдам кўрсатиши зарурлиги, миллий истиқлол руҳини келажак авлод руҳига сингдиришда, чет элларга Ўзбекистонни танитишда қандай амалий тадбирлар қўллаши мумкинлиги ҳақида ўз-фикр мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Куни кеча Тошкент шаҳар ёшлари ҳам ҳаракат хусусида ўз-фикр мулоҳазаларини билдириш учун Тошкент шаҳридаги Коммунал-қурилиш коллежига йиғилишди.

Тадбир ёшларга хос шиддат, жўшқинлик билан бошланди. Ҳамма Низом лойиҳаси ва ҳаракат йўналишини пухта ўрганиб чиққанлигини ўзи билдирган асосли ва ўринли таклиф ва мулоҳазаларида ошкор этди.

Айниқса, Тошкент давлат юридик институти 3-босқич талабаси М.Муҳиддиновнинг таклифлари ҳаммага маъқул тушди.

Тадбирни бевосита кузатиб ўтирган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор гуруҳ раҳбари ёшлар билдирган фикр-мулоҳазалар албатта инобатга олинади, деди. Ва ёшлардаги дадиллик, серзавқлик ҳаракат тузилгач яна ҳам ошади. Ёшлар ўз атрофига дўсту биродарларини ҳам бирлаштирадилар, деб умид билдирилди.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

# БОБУР ЭЪТИРОЗИНИНГ СИРИ

XV асрнинг иккинчи ярми адабий муҳити ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлишимизда, шу давр ижодий маҳсули бўлмиш айрим асарлар мазмун-моҳиятини тўғри англашимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси муҳим аҳамиятга эга. Бадиий асар яратилишигина эмас, балки унинг китобхон томонидан қай даражада қабул қилиниши ҳам дунёқараш, муносабат ва савияга боғлиқлигини "Бобурнома"даги айрим лавҳаларда кузатиш мумкин. Бобурнинг "Шайбонийнома" асари муаллифи Муҳаммад Солиҳ ижодига берган баҳоси адабиётшунослар томонидан таҳлил этилган. Аммо тадқиқотчилар бу баҳони мухолиф томонларнинг қарашлари сифатида талқин этадилар. Қуйида Бобур таърифидаги ўша лавҳани келтирамиз: "... Яна Муҳаммад Солиҳ эди. Чошнилиқ ғазаллари бор, агарчи ҳамворлиги чошнисича йўқтур. Туркий шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдилар. Шайбонийхоннинг отига бир туркий маснавий айтибтур. Бисёр суст ва фурудтур, ани ўқуғон киши Муҳаммад Солиҳ шеъридан беэътиқод бўлур...".

Адабиётшуносларнинг бу борадаги фикрларини рад этмаган ҳолда, таъкидлаш жоизки, Бобурнинг бундай хулосага келиши унинг дунёқараши, адабий жараёнга, муҳитга муносабати, қолаверса, ижодий тамойили билан боғлиқдир. Чунки Бобур "Искандарнома" ўрнига ўз "Хамса"сида "Темурнома" битган Ҳотифий ижодига муносабат билдирмайди, фақат Ҳотифий достонининг "латофати шуҳратича йўқ"лигини айтиб ўтади, холос.

"Шайбонийнома" муаллифи бевосита Шайбонийхон хизматида бўлиб, кўрган-кечирганларини бадиий асарда реалистик тасвирлашини, бошқача айтганда, ўз даврининг анъаналари қобиғидан чиқиб кетишини "Бобурнома" муаллифи қабул қилолмаган кўринади. Бобур "Бобурнома" асарида қанчалар реалист бўлмасин, лирик асарларида бундай ижодий принципни қўлламаган эди. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Солиҳнинг шеърий асарда реалистик принциплар асосида иш кўрганлиги, руҳий олам талқинларидан кўра кўпроқ воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний тасвирлашга эътибор қилгани, афтидан, улуғ замондоши Бобурга унча маъқул келмаган.

Бобур ўз замондошларидан Мавлоно Ҳилолийга, аксинча, ўз даври анъанасидан чекинганлиги учун эътироз билдиради. "Бир маснавийси бор, — деб ёзади у "Бобурнома"да, — ҳафиф баҳрида "Шоҳ ва Дарвеш"қа мавсум. Агарчи, баъзи байтлари тавре воқе бўлубтур, вале бу маснавийнинг мазмун ва устихонбандлиғи бисёр... харобтур". Шундан сўнг Бобур ўз баҳосини қуйидагича изоҳлайди: "Шуаройи мотақаддам ишқ ва ошиқликни ўз маснавийларида эрга ва маъшуқликни хотунға нисбат қилибтурлар. Ҳилолий Дарвешни ошиқ қилибтур, шоҳни маъшуқ. Абётеким, шоҳнинг афъол ва ақволида дебтур, ҳосилким, шоҳни жалбий ва фоҳиша қилибтур...".

Бобурнинг Хисравшоҳнинг феъл-атворидаги нуқсонларни "асли-насли тоза эмас"лигидан дея ҳисоблашидан, Ҳусайн Бойқарони "каримуттарафайн" (ҳам ота, ҳам она томондан шоҳ авлоди) дея эҳтиром қилишидан, Бадиуззамонни собиқ ғунчачи-канизак бўлмиш Хадичабегимнинг фарзанди Музаффар Мирзодан ортиқроқ кўришидан ҳам маълум бўладики, Ҳилолийнинг "шоҳ йигит"ни "бесурат" таъриф қилиши унинг дунёқараши ва тушунчасига мос келмаган.

Ҳилолий асарига юқори баҳо бермаслигига Бобурнинг дунёқараш билан бирга услуб масаласига муносабати ҳам алоқадор. Ҳилолий ўз даври учун хос ва мос услубий жиҳатлардан ҳам бирмунча чекинган. Гарчи Ҳилолий асари ҳам ишқий-романтик асар бўлса-да, бироқ у ўзининг тасвир тарзи билан бошқа шу мавзудаги асарлардан ажралиб туради. Гап шундаки, Ҳилолий анъанавий бадиий санъатлардан ҳаддан зиёд баландпарвоз тасвирлар, ҳаёлий гўзалликлар яратиш учун фойдаланган. Бироқ Шоҳ образини васф этганда, уни самовий фариштaлардек эмас, балки реал инсон сифатида кўрсатади. Муаллиф Шоҳни ҳар қадамда таъриф-тавсиф қилмасдан, унга дастлабки боблардагина айрим ўринлар ажратган. Ошиқда эса гўзаллик сифатлари деярли йўқ. Чунки Шоҳ ва Дарвешнинг ишқи ташқи гўзалликка эмас, маънавий юксаклик, руҳий поклик, қолаверса, ишқи илоҳийга асосланган.

Кўринадики, шоирнинг дунёқараши асар мазмунига, тасвир воситаларига, ғоявий-фалсафий жиҳатларга таъсир кўрсатганидек, асарни қандай қабул қилиш, унга баҳо бериш китобхоннинг савияси ва нуқтаи назарига ҳам боғлиқдир.

**Ҳабибулло ЖЎРАЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

## Ўқитувчи ён дафтарига

**ТАКЛИФ ИНОБАТГА ОЛИНАДИМИ?**

**Швециялик депутат Ларс Густафон Норвегия Нобель мукофотини топшириш қўмитасига мурожаат қилиб, футбол равнақига энг кўп ҳисса қўшган шахсларга Нобель мукофоти беришни таклиф этмоқда. Унинг таъкидлашича, футбол — энг оммавий спорт тури ва мамлакатлараро ўзаро ҳамжиҳатлик тимсолидир. Шу боис ҳам нуфузли мукофот бу соҳани четлаб ўтмаслиги лозим.**

**ТЎЛДИРИЛГАН НАШР**

**Ранг-баранглиги билан дунё китобхонлари назарига тушган Гиннес рекордлар китобининг тўлдирилган ва бойитилган янги нашри босмадан чиқди. Китобга 2000 йилда жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатида қайд этилган беш мингдан зиёд янги кўрсаткичлар киритилган.**

**103 ЁШЛИ ҚАҲРАМОН**

**Машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг "Чол ва денгиз" қиссасини ўқигансиз. Ёзувчи шу асари туфайли Нобель мукофоти совриндори бўлганлигини ҳам эшитгансиз. Ушбу мароқли қиссанинг бош қаҳрамони прототипи Грегорио Фуэнтес 103 ёшга тўлди. Маълум бўлишича, Фуэнтес ёзувчининг "Пилар" номли яхтасига капитанлик қилган ва унинг денгиз ҳаётига оид ҳикоялари Хемингуэйни беҳад тўлқинлантириб, "Чол ва денгиз" қиссасининг ёзилишига туртки бўлган.**

**ЭНГ УЛКАН ВА ЭНГ МИТТИ**

**Дунёда энг улкан ҳисобланувчи китоб 1976 йилда Денверда нашр этилган. 300 саҳифали бу суперкитобнинг эни икки метрдан, бўйи уч ярим метрдан зиёдроқдир. Бунинг акси ўлароқ, 1986 йилда Токиода чоп этилган энг митти китобнинг ҳажми 3x3 см.дан иборатдир. Ушбу митти китобча ўзида "Чумоли" номли эртакни жо айлаган.**

**Nuqtai nazar**

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Таълим тараққиётининг стратегик йўналишлардан келиб чиққан ҳолда илғор технологияларни ишлаб чиқиш педагогик назарияда ҳам, унинг амалиётида ҳам ҳозирги куннинг долзарб вазифалари бўлиб турибди. Бу борада айрим ишлар амалга оширилган бўлса-да, йирик ва асосий масалалар кун тартибидан олингани йўқ. Қилинган ишлар талаблар даражасида эмаслиги боис, педагог олимлар ва амалиётчилар орасида мунозарали фикрлар талайгина. Бу эса таълим пойдевори ҳисобланмиш бошланғич таълимда кўп ишлар қилиниши, изланишлар олиб борилишини тақозо этмоқда.

Ўқитувчи бошланғич синф ўқувчисининг қизиқишини тўғри йўлга қўйгандагина самарадорлик масаласини қўлга киритиши шубҳасиз. Ҳозирда эса бу масалага кам эътибор қаратилаётир.

Таълим муассасалари томонидан берилаётган маълумотларда болалар мактабга худди байрамга кетаётгандек, билим олишга катта қизиқиш билан келишади. Оммавий-ахборот воситаларида, болаларни мактабдан безишгани, ота-оналарнинг қистови билан мактабга бораётганликлари, ўзлаштириш борган сари пасайиб кетаётганлиги ҳақида лом-лим дейилмайди.

Бизнингча, аввало ўқиш моҳиятини бола онгли равишда тўла тушуниб етишига эришмоқ керак. Очиғини айтганда, айрим болаларни ҳисобга олмаганда, уларнинг кўпчилиги ота-оналарининг тазйиқи билан ўқишга боришади. Бу ҳол маълум маънода мактабда таълим-тарбия ишларининг савиясини ҳам кўрсатади. Болаларни ўқишга қизиқтириш, уларда ўқишга онгли муносабатни шакллантиришнинг илмий-методик ва ташкилий тизимини ишлаб чиқиш лозим. Ана шу принципга амалиётда ҳам, назарияда ҳам деярли эътибор берилмаётгани ачинарли ҳол.

Бизнингча, бошланғич синфлардаги энг асосий қусурлардан бири, бу болани мактабга келган кунидан бошлаб ўқи, ёз, ҳисобла деб зўриқтирадиган вазифалар берилишидир. Математика, она тили, ўқиш каби фанлардан топшириқлар бироз мураккаб. Шулар таъсирида болаларнинг севимли машғулотлари ҳисобланган ўйин, жисмоний ҳаракатлар, табиат, мусиқа, расм ишлашга имконият бир қадар чекланади, натижада бу ҳол ўқувчига ёқмайди. Уларнинг мактабга, ўқитувчига муносабатлари аста-секин ўзгара бошлай

(Давоми 2-бетда)

# МИЛЛАТИМИЗНИНГ УШАЛГАН ОРЗУСИ

**Konstitutsiyadan saboqlar**

Ҳозирги замон конституционализми икки юз йилдан кўпроқ тарихга эга бўлиб, ўзида тарихан синалган умумбашарий, умуминсоний қадриятларни мужассам этади. Айни пайтда, ҳар бир давлатнинг Конституцияси ана шу умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда ўзига хос миллий тафаккурни (менталитет) ўзида акс эттирган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам, миллатнинг, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва орзу-умидларини ифода этган ҳамда буни амалга ошира олган давлатларнинг тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги умуминсонийлик ва миллийлик тамойилларини ўзида муваффақият билан уйғунлаштиради.

Бундай уйғунлик сари дастлабки қадам янги даврнинг биринчи Конституцияси - АҚШ Конституциясида қўйилган эди. АҚШнинг "Мустақиллик Декларацияси" ва 1787 йили қабул қилинган Конституцияси инсоният тарихидаги иккита муҳим воқеа: XII асрдаги инглиз буржуа инқилоби ва XIII асрдаги Буюк француз инқилоби ғояларининг амалда қўллана бошланиши эди. Бу инқилоблар давлатнинг фақат тузумида янги йўналишни бошлаб берганлиги билангина эмас, балки ўз ғояларида инсоннинг шаъни, қадр-қимматини юксакликка кўтарганлиги билан кўплаб авлод вакилларининг онги ва тафаккурига катта таъсир ўтказган. Айнан шу инқилоблар натижасида фуқаро деган тушунча янги мазмун билан бойиди. Бугунги Конституцияларда асосий бўлимлардан бирини ташкил қилган фуқаролик тушунчасининг ўзи ҳам маълум тараққиёт босқичларидан сўнг ҳозирги кўринишга келди. Айни пайтда, Конституцияларда бу тушунча билан боғлиқ ҳуқуқлар ҳажми ҳам кенгайиб борди. Агар АҚШнинг Мустақиллик декларациясида (1776 йил) тенг кишиларнинг яшаш, озод бўлиш ва бахтга интилиш ҳуқуқлари асосий ҳуқуқлар деб кўрсатилган бўлса, 1787 йилги АҚШ Конституциясида эса бу ҳуқуқлар кенгайтирилиб, аниқлаштирилган ва ҳуқуқий асосга қўйилган. Бугунга келиб улар фуқаролик билан боғлиқ, шахсий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлар деган бўлимларга ажратилиб, кўплаб давлатлар жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам белгилаб қўйилган. Шахсий ҳуқуқлар - бу шахснинг қонун билан белгилаб берилган ҳуқуқлари. Бунга сўз ва эътиқод эркинлиги, мулкка эга бўлиш ҳуқуқи, қонун асосида барчанинг тенглиги кабилар киради. Ҳозирги кунда бу ҳуқуқларнинг мавжудлиги кўпчилигимизга одатий ҳолдай туюлсада, улар узоқ курашлар натижасида қўлга киритлган. Европанинг илғор давлатларида ҳам бу ҳуқуқлар тўлақонли тарзда фақат XX асрдагина тан олинди. АҚШ Конституциясида бу ҳуқуқлар қонун билан белгилаб қўйилган бўлса-да у ерда яшовчи бошқа миллат вакиллари (масалан, негрлар) бу ҳуқуқлардан узоқ вақтгача фойдаланаолмаган.

Сиёсий ҳуқуқлар ҳам шундай курашлар натижасида қўлга киритилган. Мисол учун битта сайлов ҳуқуқини оладиган бўлсак, ўша илғор мамлакатларда ҳам барчанинг бир хил овозга эга бўлишлиги, аёлларга ҳам сайлов ҳуқуқи берилиши учун юз йиллаб тинимсиз курашлар бўлди. Кўплаб мамлакатларда аёлларгина эмас, балки эркаклар ҳам XX аср бошларига келиб шундай ҳуқуқни қўлга киритдилар. Европада ҳуқуқий ва сиёсий тенглик учун кураш кетаётган бир пайтда дунёнинг бошқа қитъаларида мустамлакачилик ўзга халқларни бўйсундириш инсоний ҳуқуқларни чеклаш учун кураш давом этди. Хусусан, Туркистон Россия империяси томонидан босиб олиниб маҳаллий аҳолини шахсий, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этди.

Шу маънода Ўзбекистон Конституцияси фақат давлатнинг асосий қонунигина бўлиб қолмасдан ўзбек зиёлилари, умуман халқимизнинг улуғ аждодлари ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун олиб борган курашнинг натижаси, миллатимизнинг ушалган орзуси ва энг асосийси олий ғоялар тантанаси бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

Ривожланаётган давлатларнинг аксариятида сиёсий, иқтисодий маданий, маърифий соҳаларда кўпроқ миллийлик акс этгани туфайли улар Конститутцияларида ҳам миллатнинг хусусиятларини миллий воқеликни ўзида намоён эттирган. Дарҳақиқат, бу давлатнинг юксалиб боришида нечоғли тўғри йўл эканлигини ҳозирда замоннинг ўзи исботлаб турибди. Шу сабабли Конституция фақат давлатнинг асосий қонунигина бўлиб қолмасдан, миллатнинг буюк ғояларини ҳам ўзида ифода этади.

Булар энг аввало халқнинг ҳаёт тарзида, орзу-интилишларида, дини ва маданиятида намоён бўлиб, буларнинг ҳаммаси шу буюк ғоялар билан ҳамоҳанг яшади. Шу ғоя мамлакатдаги барча халқларни, жумладан, сиёсий партиялар гуруҳ ва ҳаракатларни жипслаштириб, уларни улуғ мақсадлар сари етаклади. Ҳозирда кучли демократик жамият фаровон турмуш қура олган халқларнинг тарихида ана шу буюк ғоянинг мавжудлиги ҳал қилувчи рол ўйнади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги ҳар томонлама ривож топаётган АҚШ давлатини бундан икки юз йил олдинги мустақиллик ғояларисиз ёки Буюк Британия ва Францияни халқ суверенитети, Германия ва Италияни Миллий бирлашиш ғояларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Дарвоқе, юқорида зикр этилган давлатларнинг Конституцияларида ҳам шу ғоялар ўз ифодасини топган. Республикамиз Конституцияси кўпчилик давлатлар томонидан умуминсоний қадриятлар, миллий ғояни уйғунлаштирган ҳужжат сифатида эътироф этилди. Бу албатта барчамиз учун катта ютуқ бўлиб, эндиликда бу буюк ғояни барчага сингдириш, халқимизнинг яратувчанлик қудратини буюк келажакни яратишга сафарбар этиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**Шуҳрат ЭРГАШЕВ,**
**Тошкент вилоят Давлат педагогика институти "Умумий тарих ва ҳуқуқшунослик" кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди**

**Илғор тажриба қанчалик аҳамиятли бўлмасин, ундан ижодий тарзда фойдаланган маъқул. Ўқитувчи бу жараёнда ўз синфи ўқувчиларининг билим савиясини, маҳаллий шарт-шароитларни, ўқувчиларга яратилган имкониятни ҳисобга олиши керак бўлади.**

**Вилоят босқичларида ғолиб деб топилган мактаблар фаолияти ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан улар танловга тақдим этган маълумотлар бўйича бевосита ҳар бирининг ўзида ўрганилди.**



# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ди. Қаттиқ ўйлашга мажбур этадиган, зўриқтирадиган машғулотлар билан шуғулланишга мажбур этиш, бунинг устига, ўқитувчи ва ота-оналарнинг танбеҳлари болаларнинг руҳан эзилишига, уларнинг мактабдан безишига олиб келади.

Мантиқан ўйлаб қараганда, болага уни билишинг керак, буни эгаллашинг керак деб зўрлаш, мажбурлаш йўли билан эмас, балки унинг хоҳиш-истагига қулоқ солиб, лаёқатини ҳисобга олиш лозим. Биринчи синфнинг илк кунларидан бошлаб асосий эътиборни ҳисоб, ўқиш, ёзишга эмас, ўйин, табиат, мусиқа, расм ишлаш, жисмоний тарбия каби фаолият турларига қаратиш лозим. Кейинчалик аста-секин ҳисоб, ўқиш, ёзишга диққатни кучайтириб бориш мумкин.

Масалага шундай ёндашилганда, биринчидан, болани ўқишда зўриқтирмаслик, уни бездирмаслик муаммоси ҳал қилинса, иккинчи томондан, таълимни инсонпарварлаштириш принципи ҳам ҳал этилади. Шунингдек, болалар боғчалари ва биринчи синфларда узвийликка эришилади. Яъни ўқитувчи ўз ҳукмини ўтказиш асосида эмас, балки боланинг дилига қулоқ солиб, қизиқишларини, ўзига хослигини ҳисобга олиб, ҳамкорлик педагогикасига амал қилиб иш юритса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Айтайлик, бола ҳайвон ва қушларни ёқтиради. Бундан келиб чиқиб, ўқитувчи бу бола билан индивидуал ишларда кўпроқ ҳайвон ва қушлар ҳақида фикр юритиши керак бўлади. Масалан, математика дарсларида мисол ва масалалар қушлар ёки ҳайвонлар мисолида ечилса, тасвирий санъат дарсларида уларнинг расмини чиздириш, ўқиш дарсларида ҳайвонлар ҳақида шеър ёдлатиш, мусиқа дарсларида улар ҳақида қўшиқ айтиш, табиатшунослик дарсларида ҳайвонлар ҳақида ҳикоя қилиш ёки фильмлар намойиш этиш лозим. Масалага бундай ёндашув, сўзсиз, боланинг ўқишга, мактабга бўлган ҳавасини ижобий томонга ўзгартириши шубҳасиздир.

Лаёқати, қобилияти сезиларли бўлмаган болаларни зўрлаб ўқитиш, жазолаш орқали яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Бизнингча, бундай болаларни кучига яраша таълим бериш, ўқитиш етарли. Бола ўқитувчининг меҳрибончилигини, ўзидаги билимларни беришга ҳаракат қилаётган устоз эканлигини, ўқитувчи уларни ҳурмат қилишини доимо ҳис этиб турсин. Шу мақсадда ўқитувчининг болаларга “сиз”лаб мурожаат этиши ҳам фойдадан холи эмас.

Таълим беришда болаларни зўриқтирмаслик, лаёқатини ҳисобга олиш, ўқишдан бездирмаслик мақсадида қўлланадиган яна бир омил бор. У ҳам бўлса таълим мазмунини табақалаштиришдир. Бу масалага “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да алоҳида эътибор берилган.

Кўпчилик мутахассисларимиз таълимни табақалаштиришнинг моҳиятини тушунадилару, бироқ амалда унга риоя қилмайдилар. Бошланғич таълим учун яратилган дастурларида ўзлаштирувчи ёки бўш ўзлаштирувчи болага ҳам бир хил таълим мазмуни тавсия этилади. Бундай вазиятда қобилиятли болалар янги материалларни яхши ўзлаштирадилар, қобилиятсиз болалар эса ўзлаштира олмай, эски билим даражаларида қолаверадилар. Бунга чек қўйиш учун табақалаштириб таълим бериш ниҳоятда қўл келади. Айниқса, болалар сони кўп бўлган мактабларда бу муаммони амалга ошириш осон кечади. Бундай ҳолда яхши, ўрта ва бўш ўзлаштирувчи болалардан алоҳида-алоҳида синфлар ташкил этиб, ўқитилиши мақсадга мувофиқдир.

Болаларни мактабга қизиқишларини оширишда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни фаоллаштириш муҳим. Бунда анъанавий байрамлардан ташқари, қушлар ва ҳайвонлар кўргазмалари, йил фаслларига бағишланган байрамлар, ҳосил, санъат байрамлари, эртаклар куни, дўстлик кунлари, санъат ҳафталиклари, адабиёт ва спорт соҳасидаги машҳур кишилар билан учрашувлар ўтказиш, миллий ўйинлар назарда тутилмоқда. Мақсад болаларни мактабга ўқишга қизиқтириш, дарс жараёнида олган билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, ўқувчиларнинг турли эҳтиёжларини қондириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишдан иборат.

Болаларни ўқитувчи ва катталар билан эркин, очиқ мунозарага кириши уларнинг мустақил ва эркин фикрлашига хизмат қиладиган сифатларидир. Ўқитувчининг масалага бундай ёндашуви сўзсиз болаларнинг ўқитувчига муносабатини ижобий томонга ўзгартиради, қолаверса, қизиқишини, фаоллигини оширади.

Кўпинча йиғилишларда ўқитувчининг ижодкор бўлиши ҳақида гапирилади. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, ил-ғор тажрибаларни ўрганиш кўр-кўрона тақлид қилиш деган маънони билдирмайди. Илғор тажриба қанчалик аҳамиятли бўлмасин, ундан ижодий тарзда фойдаланган маъқул. Ўқитувчи бу жараёнда ўз синфи ўқувчиларининг билим савиясини, маҳаллий шарт-шароитларни, ўқувчиларга яратилган имкониятни ҳисобга олиши керак бўлади. Зеро, иккита ўқитувчида бир хил методика бўлиши ҳам мумкин эмас, яъни ҳар бирининг ўз методикаси бўлиши лозим. Ўқитувчилик касби шундай бир поёни йўқ денгизки, унинг охирини кўриб бўлмайди. Ўз ишига ижодий ёндашиб, муттасил изланишлар олиб борган ўқитувчигина унинг янгидан-янги очилмаган уммонларни топаверади.

Ҳа, бошланғич таълим таълим тизимидаги пойдевор. У мустаҳкам бўлса, унинг устига қуриладиган бино ҳам мустаҳкам бўлади. Бошланғич таълимга таълимнинг энг муҳим ва асосий босқичи деб қаралиши умумий ўрта таълимни муваффақиятини таъминлаши шубҳасиз.

**Р.ҲАСАНОВ,**
**Гулистон Давлат университети бошланғич таълим кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори**

# БУГУННИНГ ОЙБАРЧИНЛАРИ

**“Иқбол” болалар боғчасида “Деҳқонобод Ойбарчини” танловига тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида хабар эшитиб қолдик. Бу қандай танлов бўлди, экан, дея кичкинтойлар маскани томон йўл олдик.**

**Маскандаги 6 та гуруҳ ва унда таълим-тарбия олаётган 110 нафар болалар учун яратилган шарт-шароит билан танишдик. Тан олиш керакки, гуруҳ хоналари болаларнинг тасаввур оламидан келиб чиққан ҳолда миллий қадриятлар асосида безатилган.**

**— “Деҳқонобод Ойбарчини” танловининг ижодкори ҳам, ташаббускори ҳам мана шу тарбиячимиз, “Шуҳрат” медали соҳибаси Сайёра Абдуллаева бўладилар, — деди боғча**

## Tashabbus

**мудираси Тухфа Мўминова, — бу ёғини ўзингиз Сайёрадан сўраб олаверинг.**

**Биз ҳаммамиз қўнғиротлилармиз, деди Сайёра ҳазил-мутойиба билан, ўғил фарзандларимиз Алпомишга, қизларимиз эса Ойбарчинга хос хислатлар билан ўсмоғи керак. “Деҳқонобод Ойбарчини” танлови ҳозирча “Иқбол” болалар боғчаси миқёсида ўтказиляпти. Мавжуд гуруҳларда ғолиб деб топилган 6 нафар жажжи қизалоқ “Деҳқонобод Ойбарчини—2001” номини олиш учун ўзаро беллашадилар. Бунинг учун улар доно, зукко, саранжом-саришта, пазанда, ўлану термаларнинг яхши ижрочиси ҳамда раққоса ҳам бўлмоғи керак...**

**Жорий йилдан эътиборан болалар боғчалари орасида “Деҳқонобод Ойбарчини” танловини туман миқёсида ўтказиш режалаштирилган.**

**Ҳа, “Иқбол”нинг ибратли ташаббуси Деҳқонобод тумани бўйлаб ёйилаётир. Яхши ташаббуснинг қаноти бўлади, деб шунга айтсалар керак-да.**

**Абдували ОБИДДИН,**
**“Маърифат”нинг махсус мухбири**

## Yil maktabi-2000

# ТАНЛОВ—РАҚОБАТНИНГ DОЯСИ

Ўтган ҳафтада республикамиздаги умумий ўрта таълим мактаблари ўртасидаги “Йил мактаби-2000” кўрик-танлови якунланди. Ушбу тадбир мазкур мусобақада биринчи ўринни олган—Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 17-мактабда бўлиб ўтди.

“Таълим тўғрисидаги” Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ижросининг амалий жараёни кечадиган умумий ўрта таълим муассасаларига доимий эътибор қаратиш, уларнинг бу йўлда эришаётган ютуқларини, интилишларини мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида ушбу танлов ташкил этилган эди. Бироқ, бундан олдинги кўрик-танловлар таҳлили ушбу тадбирни бир кунда ёки бир жойнинг ўзида тўлақонли якунлаб бўлмаслигини, бўлган тақдирда ҳам чиқарилган якуний хулоса нохолис бўлиб қолаверажагини кўрсатди. Негаки, йиллаб қилинган меҳнат самарасини беш-олтита стенд ёки бир уюм қоғозда кўрсатиб бериш, қолаверса, уларни ортмоқлаб пойтахтга олиб келишнинг иложи йўқ. Шу боис Халқ таълими вазирлиги бу гал танловни ўтказишда ўзига хос йўл тутди. Вилоят босқичларида ғолиб деб топилган мактаблар фаолияти ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан улар танловга тақдим этган маълумотлар бўйича бевосита ҳар бирининг ўзида ўрганилди. Бунда асосий эътибор таълим муассасалари томонидан давлат таълим стандартлари талаблари асосида янги педагогик технологияларнинг амалиётга жорий этилишига, мониторинг тизимининг йўлга қўйилишига, инновацион ишлар мазмуни ва салмоғига ва шулар воситасида ўқувчиларнинг муносиб таълим- тарбия олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш қанчалик таъминланаётганлигига қаратилди.

Гуруҳ аъзоларининг таъкидлашларича, вилоятларда энг яхши мактаб, деб топилган ҳар бир ўқув масканида ўзига хос ютуқлар мавжуд. Улар тажрибасини оммалаштириш барча таълим муассасаларини ҳам бу каби ҳаракатга қўшилишларига ёрдам беради.

Энди яна бевосита “Йил мактаби-2000” кўрик-танлови шодиёнасига қайтсак. Шодиёна дейишимизнинг сабаби эса ҳамиша таълим муассасалари ёки ходимлари ўртасида кечадиган беллашувларнинг, мусобақаларнинг ўзаро бир дўстона кайфиятда, самимий тарзда ўтиши. Бу галгиси ҳам шундай бўлди. Танловнинг сўнгги шарти “Мактаб директорининг ўз мактаби фаолиятини ҳимоя қилиш” бўйича саҳна чиқиши давомида ҳар бир таълим муассасаси раҳбари ўз ишининг билимдонилигидан ташқари, одамларни ўзига қарата билиш, улар билан муомала қилиш каби ҳислатларини ҳам намойиш этди. Бу борада ҳам танловнинг олдинги шартлари бўйича қўйилган баллар яна бир бор оқланди.

Кўрик-танлов якунланди. Ғолиблар аниқланди. Шундай қилиб, “Йил мактаби-2000”нинг сардорлари қуйидагилар деб топилди:

**1-ўрин**

***Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактаби (директори Ислом Қўчқоров).***

**2-ўрин**

***Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги 17-мактаб (директори Нурпўлат Қосимов).***

***Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги “Истиқбол” гимназияси (директор Музаффар Саидумаров).***

***Тошкент шаҳридаги 110-умумий ўрта таълим мактаби (директори Шоҳида Ёқубжонова).***

**3-ўрин**

***Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби (директори Абдумажит Пармонов).***

***Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳридаги 20-мактаб (директори Ақсингул Каракаева).***

***Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактаби (директори Набибулло Холмирзаев).***

Халқ таълими вазирлиги мукофот учун 1-ўринга замонавий “Пентиум” компьютер синф мажмуаси, 2-ўринга телевизор, учинчи ўринга эса видеомагнитофон берди. Шунингдек, ғолиблар ва иштирокчилар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси, “Устоз” жамғармаси ҳамда бошқа ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар ҳамда дипломлар билан тақдирланишди.

Сўнгсўз ўрнида шуни таъкидлаш керакки, бу каби танловларга шунчаки бир тадбир сифатида қарамаслик лозим. Ундан кўзланган мақсад республикамиздаги мавжуд барча таълим муассасалари ўртасида чинакам рақобат муҳитини юзага келтириш, ҳар бир жамоада ўз мактаби шаъни учун фидойиларча кураш ҳиссини пайдо этиш. Бунга эса фақатгина ана шундай ғурури бор мактаб раҳбарлари, аҳил жамоагина эришажагини эса мазкур кўрик-танлов яна бир бор исбот этди. Уларнинг барчасида ташаббуснинг қуйидан юқорига кўтарилганлигига гувоҳ бўлдик.

Газетамизда “Йил мактаби—2000” кўрик-танлови республика босқичи ғолиблари ва иштирокчилари тажрибалари ҳақида батафсил маълумот бериб борамиз.

**А.ЭРНАЗАРОВ**

# ЙЎЛ ЎРТАСИДА «НАЗОРАТЧИ»

**Одатда йўл ҳаракати белгилари йўл четларига ўрнатилади. Катта тезликда келаётган транспорт ҳайдовчиларининг аксарияти эса бу белгиларга риоя этавермасди. Яқинда шаҳримиздаги серқатнов кўчаларнинг қоқ ўртасида мактаб борлигини англатувчи белгилар пайдо бўлди.**

**Бу қандай белги бўлди, дея сира ажабланманг. 13-14 ёшли қизлар бўйи баравар келадиган “Ёш патруллар” макетини ҳеч бир ҳайдовчи энди кўрмасдан қолмайди.**

**Жажжи фарзандларнинг ҳаётини йўл-улов ҳодисаларидан ҳимоялаш мақсадида Самарқанд шаҳар ДАН ходимлари ва шаҳар халқ таълими бўлимининг саъй-ҳаракати натижасида йўл четида жойлашган юзга яқин таълим муассасалари олдида ана шундай макетлар ўрнатилди.**

**Бу “йўл назоратчилари”ни тайёрлаб, керакли жойларга ўрнатишда “Афросиёб” автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси ва “Асака-банк”нинг вилоят бўлими ҳомийлик қилишди.**

**Айни кунларда туманларда ҳам шундай “назоратчи”лар пайдо бўлмоқда.**

**Н.ШЕРБОЕВА**

## Yosh oʻqituvchilarga yordam

# БАҒРИНГИЗГА БОСИНГ, ВАТАН СЎЗИНИ



***Суҳбатдошимиз — Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 21-ўрта мактаб директори Баҳодир РОЗИҚОВ 43 йиллик умрини халқ таълими соҳасига бағишлади. Шундан 32 йили мобайнида ушбу илм масканига раҳбарлик қилиб келаяпти. Раҳбарлик йилларида жамоа улкан ютуқларга эришди: у ерда оила-маҳалла-жамоатчилик ҳамкорлиги концепцияси яратилди, жажжи қалбларни эзгуликка бошловчи ўқувчиларнинг “Дилрабо”, ўқитувчиларнинг “Марҳабо” дасталари ташкил этилди,янгилик сифатида ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқарув услуби қарор топди, таълим-тарбия ишлари тубдан ўзгарди. Изланишлари самараси ўлароқ бу мактаб ЮНЕСКО сертификатини олишга муяссар бўлди. Булар тинимсиз меҳнат натижасидир. Шу боис Баҳодир акадан ўз тажрибаларидаги унутилмас воқеалар, муваффақиятлар омиллари ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилдик. Улар, айниқса, ёш ўқитувчиларга ўгит бўлур эди.***

**— Муаллимлик, раҳбарлик даврингиздаги эсда қоларли, сизни ҳаяжонлантирган воқеа-ҳодиса, ҳаяжонли лаҳзаларни эслаб ўтсангиз?**

— Ҳаётимда учрашув, воқеа, ҳаяжонли дақиқаларни кўп бор бошимдан кечирганман. Айниқса, Ўзбекистон Президентлигига сайловлар даврида Гулистон шаҳрида Президентимиз Ислом Каримов билан бўлган учрашув, унинг сайловчилар олдидаги нотиқлик санъати менинг хотирамда чуқур из қолдирган...

Дарвоқе, Президентимиз бир чиқишларида “Мен — технократчиман ва амалиётчиман. Шу билан ўзимни доимо кучли ҳис қиламан” дейдилар. Луғатларда келтирилишича, “технократ” термини ҳар доим янгилик изловчи маъносини билдирар экан. Бу билан айтмоқчиманки, Президент — бутун борлиғи билан изланади. Ҳар ким Юртбошимиздек изланса, ундан ибрат олса, Ватан сўзини бағрига босиб ардоқласа, эл равнақи — илм равнақи йўлида фидойилик кўрсатса, ҳаётимиз фаровон, янада нурафшон бўлган бўлур эди.

**— Муаллим ва ўқувчи бир-бирларини англашларида ёш ўқитувчилар қандай омилларга таянганлари маъқул. Уларга нималарни тавсия қилган бўлардингиз?**

— Аввало, ҳар бир ўқувчининг характери, хусусияти, оилавий шароити, келиб чиқиши, мактабгача кечган даврини ўрганиб чиқиши ва шу нуқтаи назардан у билан муомала қилиши зарур, деб ҳисоблайман. Халқ орасида “Билиб, муомала қил!” мазмунидаги ибора бежиз айтилмаган-да. Чунончи, у сабоқ жараёнида ўғил-қизларнинг ҳаммасига бир хил муносабатда бўлишдан қочиши жоиз. Тажрибамдан яна шуни айтишим мумкинки, ўқувчилар билан якка тартибда иш олиб бориш ҳам маъқул услублардан саналади. Умуман, ўғил-қизлар қалбига йўл топсангиз, улар сизни хафа қилмасликка ҳаракат қиладилар. Бунинг учун эса муаллимдан зийраклик талаб этилади.

**— Баъзи ўқитувчилар дарсга юзаки қарашади. Салоҳиятли муаллимлар эса дарс ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги ижодий изланиши, деб сидқидилдан ишлашади. Баҳодир ака, сиз учун дарс нима ўзи?**

— Дарс — айтилган гапнинг ижобат бўлиши. Яна дарсни ўқувчига оламнинг кичик бир заррасини ўргатадиган амалий жараён, деб биламан. Дарслар бир-бирини тўлдириб келади. Бирон-бир дарсни қолдирган ўқувчи, албатта, қийналади.

Биргаликдаги изланиш айни пайтда талабга айланиб бораётир. Илгари “Ўқувчи томошабин, ўқитувчи актёр бўлиши лозим” дейишарди. Ҳозир бу тушунча ўзгарди. Ахборот манбалари кўпайиб кетди. Энди ўқитувчи режиссёр, ўқувчилар актёр бўлиши керак. Режиссёрда маҳорат ва самимият мужассам бўлса, дарслар самараси ошиб бораверади.

**— Дейлик, мактабингизга ёш мутахассис ишга келди. Улар кимлардан ёрдам олишлари мумкин, деб ўйлайсиз?**

— Ёш мутахассис ишга келса, аввало, унинг назарий билимларини синайман. Мабодо, у кимё фани ўқитувчиси бўлса, “Мактабдаги илғор бошланғич синф ўқитувчисидан болаларга муомала қилишни ўрганинглар” ёки “Фалон муаллимдан конспект олишни ўзлаштиринглар” дейман.

Гулистон Давлат университетидан келган талаба-амалиётчиларга мактабимизда катта эътибор берилади. Уларга дарров дарс берилмайди. Аввалида талабалар дарс кузатиб, услуб ўрганадилар. Ҳар бирига бириктирилган ўқувчи доимо ёш ўқитувчи билан бирга бўлади, у — ўргатувчи, устоз ҳисобланади. Амалиёт сўнггида ўргатган ўқитувчи талаба тўғрисида бизга ҳисобот беради.

**— Ноанъанавий дарс, ўқитувчи ижодкорлигини қандай баҳолайсиз? Дарс таҳлилларида асосан эътиборни нималарга қаратасиз?**

— Аслида янгиликларга бой, ноанъанавий дарслар ўтилиши тарафдориман. Ижодкорона ўтилган дарс тингловчига завқ бағишлайди. Яқинда туман миқёсида бўлиб ўтган директорлар кенгашининг “Мактаб раҳбарининг ҳамда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан муомала одоби ва бунинг таълим жараёнидаги ўрни” мавзуидаги кўчма семинарида менда ана шундай ҳолат юз берди. Очиғи, Ф.Хўжаев номидаги 11-мактаб ўқитувчиси Мамлакат Ҳайдарова очиқ дарсда қатор янгиликлар қўллади. У дарс аввалида олдинги мавзуда қандай сўзлар қўлланилганини сўради. Ўқувчилар жонланишди. Таълим ва санъатни уйғунлаштирган ҳолда ўғил-қизларни ўз ижодидан баҳраманд қилди. Болалик нимадан бошланишини кўргазмалилик асосида намойиш этди.

Балки менинг қусуримдир, дарсдаги жузъий камчиликларни пайқамасликка ҳаракат қиламан. Ўқитувчини койимасдан, мана шу йўлдан воз кечиб юборсангиз ҳам майли, дейман. Мабодо ўқитувчидаги кичик ютуқни кўрсам, унга алоҳида эътибор бераман. Ўқитувчини самимий табриклайман. “Саёҳат”, “Бозор”, “Конференция”, “Муҳокама” каби дарс турларининг услубий жиҳатларига кўпроқ эътиборни жалб қиламан. Умуман, барча-барчада ноанъанавийликка муҳтожлик, эҳтиёж бор. Шундай экан, машғулотларда янгиликлардан усталик билан фойдаланган ўқитувчининг обрўсига-обрў қўшилиб бораверишi, шубҳасиздир.

**— Ўқитувчининг конспект ёзиши шартми?**

— Устозим Шермат Арзуметов (жойлари жаннатда бўлсин!) 71 ёшигача мактабимизда ўғил-қизларга физика фанидан дарс бердилар. Устознинг “Конспект — муаллимнинг бугунги дарсга тайёрлик белгиси” деганлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Унинг бирор-бир дарсга конспектсиз келганини эслолмайман. Хулоса шуки, киши ёзганда фикрлайди, далилларни хотирлайди, мия чархланади. Қолаверса, бир йил аввал ёзганидан кейин ўтган даврда шу йўналишда янгилик юз берган бўлиши мумкин

**— Фарзандларнинг камол топишида хўжалик раҳбарининг, оқсоқолларнинг, маҳалла-кўйининг ҳам ўзига хос ўрни бўлади. Ёш ўқитувчилар улар билан қандай ишлашлари керак, деб ўйлайсиз?**

— Мактаб бўйича ота-оналар умумий мажлиси йилда икки-уч бор ўтказилади. Аммо синф бўйича ота-оналар йиғилиши бир ойда бир марта ўтказилиши керак. Болажонларнинг яхши тарбия кўришида бу каби тадбирларнинг ўрни ниҳоятда катта бўлади. Унда тарбия хусусида тажриба алмашилади, мавжуд муаммолар муҳокама қилинади.

Ҳозир айрим маҳалла қўмиталари раислари мактаб раҳбарларига “Бизга хизмат йўқми?” мазмунида гапиришади. Бундай гап ўрнига маҳалла фаоллари “Ўн тўрт ёшлилар гурунги”, “Ҳарбий хизматга кетувчилар гурунги”, “Битирувчи қизлар онги ва турмуш” каби давра суҳбатлари ташкил қилсалар, улар обрўси янада ошган бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги Қарори (21.IX.2000 й.)да вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги қайд этилганди. Бу хусусда кўп ўйладим ва ўқувчилик даврини уч қисмга бўлиш зарур, деган қарорга келдим. Мактаб жамоаси билан бамаслаҳат “Юлдузча” (7-11 ёшлилар), “Ўсмир” (12-14 ёшлилар), “Ёшлар” (14-17 ёшлилар) ташкилоти тузилди ва илм масканида ўқувчилар ташкилотлари тизими тасдиқланди. Бошланган ишнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўқув йили бошидан ўғил-қизларни уч ой давомида мазкур ташкилотларга руҳан тайёрладик ҳамда уларга “Ваъда”, “Қасамёд” матнларини ёдлатдик. Конституция куни арафасида “Юлдузча” ташкилоти сафига кирадиганлар яхши ҳулқли, билимдон ва ватанпарвар бўлиш учун ваъда бердилар.. “Ўсмир” ва “Ёшлар” эса қасамёд қабул қилишди. Ҳозир “Юлдузча” ташкилоти аъзолари билан 8, “Ўсмирлар” билан 14, “Ёшлар” билан 17 йўналишда ишлар олиб бориляпти. Яқинда Президентимиз томонидан кўтарилган ёшлар масаласини, “Камолот” ижтимоий ҳаракатини ташкил этиш борасидаги таклифларининг мактабимизда амалий ижросини таъмин этишда ушбу ишларимиз кўмак беришига шубҳам йўқ.

**—Ўқитувчиларга яна қандай тилак ва истакларингиз бор?**

— Барча ўқитувчиларнинг ўз касбига меҳрли, муҳаббатли бўлишларини истардим. Кимки юракдан меҳнат қилса, мақсадига эришади, тақдир эъзозига сазовор бўлади. Бу — аниқ.

Яна ўқитувчи таълим деб тарбияни эсдан чиқариб қўймасин, ўғил-қизларга ишонч назари билан қарасин. Муаллимлар ҳар бир ўқувчининг келажак бунёдкори эканлигини бир лаҳза бўлса-да, унутмасинлар.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.**

# “ДЎСТЛИК“ БОШЛАГАН ИШ

**Пойтахтимиздаги 35-мактабнинг “Дўстлик” клубига аъзо бўлган ўқувчилар ота-оналари билан бир стол атрофига йиғилишди. Навбати келган ўқувчи чиқиб совға олмоқда, баъзилари рақсга тушиб, баъзилари қўшиқ, шеър айтиб бермоқдалар.**

**Энди совға ҳақида. 35-мактаб 1937 йилда ташкил топган. 1992 йилгача бу ерда бирорта ўзбек синфи бўлмаган. 1992 йилда мактаб директори Назира Мақсудова саъй-ҳаракатлари билан 2 та ўзбек синфи очилди. 1260 нафар ўқувчи таълим оладиган мактабда 18 нафар бола ўзбек тилида таълим ола бошлади. Сўнгра улар 60 нафарга етди. Бугунги кунда бошқа миллат вакили бўлган 60 нафар ўқувчи ўзбек тилида эркин гаплаша оладиган даражага етди.**

**Бундан бир ярим ой аввал мактабда «Россия ҳақида нималарни биламиз» мавзуси остида саволлар кўрик-танловини ўтказдик. “Дўстлик” клуби раҳбари Флюра Гумар билан болалар жуда иноқлашиб кетишди. Бугун бу ерда, саволлар кўрик-танловида энг мазмунли ва қизиқарли савол топган ўқувчилар Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакилларидан турли-туман совғаларни қабул қилиб олишди“, -деди мактаб раҳбари Н.Мақсудова.**

**Флюра Гумар эса клубнинг мақсад ва вазифалари, режалари ҳақида гапира туриб шундай деди: — “Клубимизга аъзо бўлмоқчи бўлган ўқувчилардан бир нарса қаттиқ талаб қилинади, улар ўзбек тилини пухта билишлари, рус ва инглиз тилида сўзлаша олиш қобилиятига эга бўлишлари керак. Режаларимиз жуда кўп. Москва шаҳридаги 30-мактаб ўқувчилари билан ҳамкорликни бошладик. Энди дунёдаги бошқа мамлакатлар ўқувчиларига ҳам Ўзбекистон ҳақида маълумотлар бериш ва юртимиз тарихи, маданияти, миллий-урф одатлари билан уларни батафсил таништириш асосий вазифамиздир“.**

**Ш.МАДРАҲИМОВА**

*Шундан сўнггина у манманлик тулпоридан тушиб, устози олдида узр сўрайди. Улуғ даҳо эса, гўё ҳеч нарса сезмагандай, яна Арастуни бағрига олади.*

*Гиёҳу майсадан ҳам, зарраю қатрадан ҳам, томчию уммондан ҳам буюк кашфиётлар топасиз. Томчида улканликни илғайсиз.*



Quvnoq startlar

## "УМИД" ЯРИМ ФИНАЛДА

*XYIII республика "Қувноқ стартлар" телемусобақаси иккинчи давра мусобақалари бошланди. Мудофаа вазирлиги Спорт марказининг ҳашаматли спорт залига келган мухлислар Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги 18-ўрта мактабнинг "Умид" ва Андижон вилояти Избоскан туманидаги 14-ўрта мактабнинг "Яккатут" командаси ўртасидаги қизғин беллашувнинг гувоҳи бўлишди.*

*Дастурнинг биринчи мусобақасида («Акробатчилар") избосканлик ўқувчилар акробатик жиҳатдан катта тайёргарликка эга эканликларини кўрсатиб, маррага биринчи бўлиб етиб келишди.*

*Дастурнинг иккинчи беллашувида ("Тўлдирма қопчалар") эса "Умид" командаси ғолиб чиқди. Учинчи — "Ўрин алмашиш" мусобақасида йўл қўйилган хатоликларни ҳисобга олган ҳакамлар ҳар иккала командага 2 тадан очко беришга қарор қилишди.*

*Тўртинчи учрашувда ("Қирғоққа ким тез ўтади") ғузорлик ўқувчилар аниқ ва чаққон ҳаракат қилиб, яна 3 очко соҳиби бўлишди ва 2 очко олдинга чиқиб олишди.*

*Бешинчи беллашувда "Умид" командаси аъзолари яна ғалаба қозонишди.*

*Сардорлар баҳсида "Яккатут" ғалабага эришди. "Умид"га очко берилмади.*

*Хуллас, 22:15 ҳисобида ғалаба қозонган Қашқадарёнинг "Умид" командаси ярим финал беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини олди.*

**Ғ.МАННОПОВ**

# 40 ЙИЛ ГУЛЛАР ОРАСИДА

Nafosat olami

Тошкент Давлат Аграр университети доценти Лутфулла Абдураҳмонов ақлий ва жисмоний меҳнат кишиси. Қўлида гоҳо кетмон, гоҳо китоб. Дам университетга югуради, дам гулзорга шошади. Кўзни қувнатувчи, дилни яйратувчи гулдасталар аёл зоти учун. Аммо ана шу гулдасталар Лутфулла Абдураҳмонов сингари забардаст эркаклар меҳнати билан бунёдга келишини ҳаммамиз ҳам билмаймиз.

Университет ўқув-тажриба станцияси майдони ярим гектар бўлиб, кирганда худди боғи эрамни эслатади. Гуллар шоҳи — атиргул, чиннигул, гладиолус, хризантемаларнинг ҳиди сизни маст қилади. Кайфиятингиз тоғ қадар юксалади.

Лутфулла Абдураҳмонов қирқ йилдирки, гуллар орасида. Гуллар ҳамиша кўз ўнгида: уйда, ишда, ҳатто уйқусида ҳам гуллар уни "тинч" қўймайди. Қисқаси, у киши гулга ошиқ бир булбул.

Гулларни етиштириш шарт-шароити қандай бўлиши керак? Гулчи бу саволга шундай жавоб қилади:

— Оддий бўз тупроққа яхшилаб ишлов берилади, сўнгра оз миқдорда қум, чириган гўнг, минерал ўғитлар солинади. Гулнинг 1-1,5 қарич узунликдаги кўчатлари қатор оралаб экиб чиқилади.

Лутфулла Абдураҳмонов ҳам гулчиликнинг ҳадисини олган. Гулларнинг нави, иқлим шароити ва бошқа инжиқликларини у кишичалик мукаммал биладиган мутахассис Ўзбекистонда топилмаса керак.

Лутфулла аканинг айтишича, гулчилик йил бўйи ҳосил берадиган сердаромад соҳа. Фақат унинг парвариши кўнгилдагидек бўлиши керак. Салқин тушиши билан гулзор плёнка остига олинади. Кунлар исий бошлаши билан, яъни апрель ойининг иккинчи ярмида иссиқхона очилади. Бунга қадар 20-24 даража ҳароратда хилма-хил гулларни истеъмолчига етказиб бераверса бўлади. Нормал шароитда ҳар куни 500-600 дона атиргул, чиннигул, хризантема ёки гладиолусни узиб олиш мумкин.

Гуллар фасл танлайди: баҳор ва куз ойларида уларни териб олишга улгурмайдилар. Лутфулла аканинг гуллари ҳам шундай. Қиш ойларида уларни кўпам суғориб бўлмайди. Февралда икки марта сув ичиши керак, мартда эса уч бора, апрелда ҳар ҳафта, бора-бора ҳар куни суғоришга ўтилади.

Энг бозори чаққон гул қайси деб сўралганда, кўпчилик атиргулни айтади. Лутфулла ака ҳам шу фикрда. Ўқув-тажриба станциясида атиргулнинг 10 дан зиёд нави экилади, парвариш қилинади ва истеъмолчиларга тортиқ этилади. Соня, бургун, мерседес, анжелика, авмамариа, конкор, норриттас. Мижозлар бир кўришдаёқ ана шу гулни олиб кетиш пайига тушадилар. Аввало ёқимли ҳиди, гулбаргларининг сизга нимадир шивирламоқчидек хиёл кўтарилиб туриши, қўлга нинадек санчилувчи тиканлари—барибари сизни мафтун қилади.

Лутфулла Адбураҳмонов Франция, Германия давлатларининг гул етиштириш технологиясини ўрганди. Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятларидан келган гулчилар у кишининг тажрибаларини кўриб кетишади. Энг муҳими эса, талабаларни гулчиликдан хабардор этиш, деб ҳисоблайди у киши. Чунки қишлоқ хўжалиги мутахассиси, албатта, гулчиликдан хабардор бўлиши керак. Буни пухта ўзлаштирган одамнинг боши даромаддан чиқмайди.

Ҳайрулла, Ҳамидулла, Нурилла, Иззатиллалар Лутфулла аканинг ўғиллари. Отасининг касбу корини ўғиллари ҳам ўрганиб олишди. Зеро, шундай бўлиши ҳам керак.

Гуллар одатда аёл кишига тортиқ этилади ва гулдонга солинади. Унга нисбатан, "Бир кўрмоққа жон бермоқ" мақолини ҳам ишлатамиз. Минглаб ва миллионлаб гулларга юрак тафтини бераётган Лутфулла Абдураҳмонов сингари кишиларнинг садағаси кетсанг арзийди.

**Ҳ. ТЎЙМАНОВА**



**Суратда: Лутфулла Абдураҳмонов талабалар билан гулзорда.**

Ko'ngil bitiklari

### БИР ПАЙТЛАР...

*Сен менинг Мажнуним эдинг бир пайтлар,*
*Не учун воз кечдинг ширин онлардан.*
*Ғунчадек қон юрак номингни атар,*
*Тутунлар ўрлайди оҳ-фиғонлардан.*

*Сен менинг Фарҳодим эдинг бир пайтлар,*
*Не учун тиз чўкдинг бевафо ишққа.*
*Саробий баҳорлар кўзёшин тўкиб,*
*Ўрнини бўшатиб берарлар қишга.*

*Оҳ, менинг Тоҳирим бўлдинг бир пайтлар,*
*Висолинг ўтида ёндим баробар.*
*Энди-чи... Ўғирлик севгимни қайтар,*
*Ҳамроҳим, дилдошим энди сароблар.*

*Сен менинг Жаҳоним эдинг бир пайтлар,*
*Тожингни безадим Тожмаҳал бўлиб.*
*Битибсан шаънимга ёлғоний байтлар,*
*Ҳижрондан бўзлайман дардларга тўлиб.*

*Мен сенинг Нодиранг эдим бир пайтлар,*
*Бевафо ишқингга қурбон бўлдим, ёр.*
*Не қилай, сен учун дил изҳор айтар,*
*Ҳамон ёзмоқдаман сен учун ашъор.*

**Барно ЖУМАНОВА,**
**"Оила" илмий-амалий маркази аспиранти**

# ДИЛДАН ТИЛГА КЎЧГАН СЎЗ

Badia

Кажрафтор фалакнинг тилсимлари, синовлари, тўфону бўронлари қаршисида баъзан эсанкираб, довдираб, руҳан чўкиб қолганимда Сиз томон талпинаман, эй дўст.

Сиз эса... Ўксик дилга далда берасиз, бардош тилайсиз ва дейсиз: "Сен Тўмарисдек шижоатли Шарқ аёлининг аждодисан, унутма!"

Шу биргина сўз менга қанот бағишлайди. Бир олам куч-қудрат, саботу матонат пайдо бўлади вужудимда. Шунда буюк шоирнинг "Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам" деган доно фикри ярқ этиб юрагимда аланга сочади. Дунё гўзал эканлиги, андуҳу ташвишлар ўткинчилиги яна кўнгилни кўтаради. Олиму фозиллар, донолар, дўсту қадрдонлар йўлларни ёритгувчи, улуғликка, буюкликка илҳомлантирувчи эканлиги хушнуд этади ва қалбим ёруғликка тўлиб кетади, уйим ва ўйим ободу нурафшон бўлади. Дўстларимнинг борлиги дилимни меҳр нурларига буркайди. Меҳр-оқибат, дўстга садоқат, ширин калом олдида сеҳрланиб қоламан.

Комилликнинг энг юқори чўққисидан туриб юксакликка чорлайсиз мени. Мен эса меҳр-мурувват, инсоний фазилатлар илмидан сабоқ олгим келади. Сиз эса, устозлик қиласиз, эй дўст! Шунда мен илоҳий бир нурни кўраман юзларингизда. Покизалик, тилдаю дилдаги гўзал уйғунлик борлиги мафтун этади. Ўзимдаги рўёлар, ички ғалаён, гардлару ғуборлардан фориғ бўлишга ундайсиз.

Табиатнинг ҳар бир мўъжизаси, инсофкорлиги Сизга илҳом беради. Гиёҳу майсадан ҳам, зарраю қатрадан ҳам, томчию уммондан ҳам буюк кашфиётлар топасиз. Томчида улканликни илғайсиз.

Нигоҳингизга тикиламан! Бу бир жуфт шамчироқ неча-неча кўнгилларни ёритишга, вайроналарни ободу нурафшон этишга қодир эканлигини юракдан ҳис этаман, нигоҳларингиздан.

***Меҳримни меҳрингга қўшдиму Дўстим,***
***Тилдан тўкилганни дилга жойладим.***
***Қирғоқни бузгувчи оташ тўлқинни,***
***Сен томон бурдиму баёз айладим.***

**Мавлуда АҲТАМОВА,**
**ўқитувчи**

Sport maydonchasi

### МАВСУМ ОРАЛИҒИДА

**ўзгаришлар давом этмоқда. У.Бақоев ЦСКА (Москва) билан шартнома имзолаш арафасида бўлса, Р.Шоймардонов "Химки" (Москва вилояти) клубида кўрикдан ўтаётир. О.Собиров, О.Усмонхўжаев, Э.Гамбаров "Торпедо—ЗИЛ", К.Кузнецов, Ф.Хабибуллин "Химки" синовидан ўта олмай, Ўзбекистонга қайтиб келишди.**

### ДЕВИС КУБОГИ

**Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Девис Кубогининг навбатдаги босқичида Индонезия терма жамоасини 3:2 ҳисобида мағлуб қилиб, кейинги босқичга чиқди. Жакартада О.Огородов, В.Куценко, Д.Томашевич, Д.Мазур А.Маҳкамов сардорлигида юртимиз шарафини ҳимоя қилишди. Энди теннисчиларимиз Жанубий Корея — Янги Зеландия учрашуви ғолиби билан кортга тушишади.**

### РОНАЛДОга ҲУЖУМ

**Рио-де-Жанейро шаҳрида йўлтўсарлар Роналдога ҳужум қилишди. Босқинчилар машҳур футболчига қурол ўқталиб, ҳамёни ва "BMW" русумли машинасини олиб қўйишди. Ўтган йили Пеле ҳам ўз ватанида шундай ҳолатга тушган, босқинчилар футбол қиролини таниб қолиб, қўйиб юборишган эди. Бразилияда Роналдони яхши танишмайди, шекилли...**

### ПЛОВДИВ—2001

**Боксчиларимиз бу йилги биринчи халқаро турнирга жўнаб кетишди. Темур Тўляков, Шерзод Ҳусанов, Тўлқинбой Турғунов, Ўткирбек Ҳайдаров, Келдибой Ибесинов, Рустам Саидов каби чарм қўлқоп усталари Болгариядаги "Пловдив—2001 Транжа" анъанавий халқаро турнирида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.**

### БОЛГАРИЯда ОМАД ЧОПМАДИ

**Футбол бўйича миллий терма жамоамизнинг эса Болгарияда омади келмади. "Албена Мобител-2001" халқаро турнирида вакилларимиз "Левски" клубига 0:3, "Ружомберок" клубига 0:2 ҳисобида бой бериб, "Сталь" клуби билан 0:0 ўйнашди. Энди улар Арманистон ҳамда Белоруссия терма жамоалари билан ўртоқлик учрашуви ўтказишади.**

## ЎСМИР ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Яқинда Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатияси университети қошидаги Академик лицейда "Ўсмир ва соғлом турмуш тарзи" мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Ўтган йилларда "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" шиори остида ўтган тарбиявий дастурнинг бевосита давоми сифатида бошланган бу иш республикамиздаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасида ҳам олиб борилади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Бритиш Американ Тобакко қўшма корхонаси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳридаги Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари 3 кун давомида турли тренингларда қатнашишди.

"Мен ўз йўлимни танладим" тарбиявий дастури йил давомида барча вилоятлар таълим муассасаларида жорий этилади.

**Шарифа МУРОДЖОН қизи**

QUTLOV!



**Ҳурматли устоз Норбой ака Мамасолиев!**

**Сизни муборак 65 ёшингиз ҳамда педагогик фаолиятингизга 35 йил тўлиши муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз.**

**Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.**

**Челак тумани халқ таълими бўлими, 20-мактаб педагогик жамоаси.**

**Муҳтарама Матлуба Лутфуллаева!**

**Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз.**

**Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.**

**Челак туман халқ таълими бўлими, 1-мактаб педагогик жамоаси.**



# САДОҚАТ САОДАТИ

Mulohaza

Яқинда адабиёт муаллимамиз оламдан ўтди. У минглаб ўқитувчилар каби оққўнгил, соддадил, хушмуомала инсон эди.

Домлани сўнгги йўлга кузатолмадим. Бошқа синфдошларим ҳам таассуф ила армонда қолганини билдиришди. Орадан маълум вақт ўтиб, шу воқеани яна бир бор эсладиму, дилимда ногаҳоний ғашлик, йўқ, ғашлик эмас, оғир бир алам, изтироб бош кўтарганини англадим. Нега шундай бўлди? Нега устознинг руҳини ранжитдик? Нега шогирдлик бурчимизни, ҳеч бўлмаса оддий инсонийлик вазифамизни ўринлата олмадик. Агар хокисор мураббий эмас, бошқа бирон таниқли амалдор рихлатга чекинганида эҳтимолки, йўқ жойдан имкон топармидик, жонимизни жабборга бериб тобуткашлик талашармидик, марҳумнинг бой-бадавлат, қўли узун қавми-қариндошлари назарига тушишга бел боғлармидик...

Шу туйғулар сабаб устозлик мақомию, уларга садоқат мавзусида мулоҳаза юритмоқни ихтиёр этдим. Зотан, халқимизда "Садоқат улғайтирар, хиёнат сарғайтирар", "Устоз отангдай улуғ" деган ажойиб ҳикматлар бор. Дарвоқе, буюк жаҳонгир Искандар Зулқарнайн шу хусусда тўхталиб: "Мен Арастуни отамдан зиёда ҳурматлайман, чунки отам менга яшашни, Арасту эса муносиб яшашни ўргатди" дея лутф қилган экан.

Гап Арасту ҳақида борар экан, яна бир ривоятни келтириш билан устоз-шогирдлик ўртасидаги муносабатлар азалдан осон кечмаганлигини писанда этмоқчимиз. Искандарнинг алоҳида илтифоти туфайли замона донишмандлари орасида Арастунинг нуфузи ортиб кетади. Қарангки, кибру ҳаво шундай улуғ тафаккур эгасини ҳам четлаб ўтмабди. У ўз устози Афлотуннинг илмини писанд этмаслик даражасига борибди. Кунларнинг бирида Афлотун ўзи ясаган руд чолғусида нафис бир куй чалиб, гуллар қошида сармаст ўтирган қушларни ухлатиб қўяди. Набототу жонзотлар фақат бошқа бир куй янграгандагина кўз очишади.

Бу манзарани кўрган Арасту устозни енгиш ниятида дилбар мусиқа билан худди ўша ҳолатни такрорлайди. Бироқ, мавжудотни уйғотишга келганида илму амали ожизлик қилиб қолади. Шундан сўнггина у манманлик тулпоридан тушиб, устози олдида узр сўрайди. Улуғ даҳо эса гўё ҳеч нарса сезмагандай, яна Арастуни бағрига олади.

Эрамиздан аввалги 6 асрда яшаб ўтган қул Эзоп ҳам ўз замонасининг сўзамол масалнавис файласуфларидан бўлган. У ҳар қандай чигал тугунни тенгсиз қобилияти, ақл-заковати билан бир зумда ҳал қиларди, душманлари отган тегирмон новидан буткул соғ-саломат чиқарди. Шундай билимдон, келажакни олдиндан башорат қилгувчи зот ҳам шогирдидан панд еб, жаҳаннамга равона бўлишига бир баҳя қолган. У Бобилда Гелий исмли аслзода, топқир ва зеҳнли йигитни шогирдликка олади. Гелий шоҳ саройидаги канизаклардан бирига кўнгил қўяди. Бу отилган ўққа рўбарў келиш билан баробар саналарди. Эзоп навқирон шогирдини хатарли йўлдан қайтаришга уринади. Бироқ ошиқ устознинг ўзини аждаҳо комига тутиб беради.

Ёлғон маълумотга ишонган подшо, соқчилар бошлиғи Ҳермиппга Эзопни қатл қилишни буюради. Яхшиямки, соқчилар бошлиғи ақл билан иш тутади ва ўлим Эзопни четлаб ўтади. Гелийнинг чинакам қиёфаси очилганда, уни устози ҳукмига ҳавола этадилар. Бироқ Эзоп устозларга хос марҳамат кўрсатади. Шогирдига ҳар қандай дур-жавҳарлардан устун турувчи панд-насиҳатлар қилиб, уни афв этади. Гелий эса қилмишидан пушаймонликда ўз жонига қасд этади...

Чиндан ҳам агар тарихга назар солсангиз, кимки муаллими юзига оёқ қўйган бўлса, ҳеч қачон унинг боши маломатдан чиқмаган, иши ўнгланмаган, бахт-саодат нелигини билмай ўтган. Айни шунинг учун ҳам қадимги Хитой подшолари эрамиздан аввалги 551-479 йилларда яшаган, ўн саккиз минг донишманд тўғрисида ўз мулоҳазаларини ёзиб қолдирган машҳур файласуф Конфуцийга алоҳида ҳурмат-эҳтиромини билдиришиб, "Агар мамлакатни бошқарув жараёнида хатога йўл қўйсак, буюк устозимиз бизнинг гуноҳимизни асло кечирмайди", дейишар эканлар.

... Агар биз ўтмишга назар ташласак, аждодларимиз устозлар ҳурматини жойига қўйиб, нақадар эъзозлашганини, ҳар бир сўзини кўзга тўтиё қилишганини англаб етамиз. Ахир буюк бобомиз Амир Темур ўз хоки устозининг оёқ томонига қўйилишини васият этишида ҳам бутун шарқ халқлари ва хусусан, Турон элига хос тенгсиз бир садоқат туйғуси мужассам эмасми?

Ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий шеърият бобида янги олам яратган бўлсада, Жомий ҳазратларини ўзига пир деб билиб, меҳр-муҳаббатини бу табаррук зотга бахшида этмадими?

Ёки жўнайдия, қодирия, нақшбандия, кубравия, сухравардия тариқатининг асосчилари ҳаётини ёдга олайлик. Улар устозни устоз эмас, ўзларига пир деб атадилар. Бугун биз Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Фағнавий, Али Ромитоний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби авлиёларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Яна шуниси қалбимизни нурга тўлдирадики, бу улуғ инсонлар нафақат ўз замонаси, балки бутун мусулмон оламининг кейинги даврлари мўминлари учун ҳам пири комил зот ҳисобланадилар.

Биз шундай мўътабар ва табаррук насл-насабимиз билан фахрланамиз.

Бироқ ростдан ҳам ҳамиша улар руҳини ёдда сақлаяпмизми? Оддий ҳунарманд ҳам йилда бир бора устозининг панду-насиҳатларини тинглаб келади. Ҳайдовчилар, косиблар, ошпазлар, деҳқонлар ўз улуғларини тез-тез йўқлаб туришади. Аммо ақл-заковат, илми-ҳикмат бобида бировга гап бермайдиган зиёлилар орасида меҳр-оқибат назаримда сустроқ, ожизроқ кўринади.

Дўппини қўлга олиб, ўйлаб кўрайлик. Бугун ким биринчи ўқитувчисининг таваллуд кунини эслайди? Ким мактабга қадам босган кунида очиқ чеҳра билан қаршилаган устозини йўқлайди? Ким қадрдон мактабига бориб, собиқ ўқитувчиларига бир даста гул тақдим этаяпти? Ким данғиллама иморатлар қураётганида қишлоғидаги кекса зиёли ҳужрасини таъмирлаб беришни ният қилди? Ким ўз мураббийсининг фарзандини ёнига олиб, ҳаётдаги ўрнини топиб олишига кўмаклашяпти, инсоний қарзини узаяпти?

Афсуски, бу саволларга "мен" дея жавоб берувчилар кам.

Ҳолбуки, ҳадисларда айтилганидек, ер юзидаги уламолар, устозлар бамисоли осмондаги юлдузлар кабидир. Ерда ҳам, сувда ҳам уларга қараб йўл топилади. Шундай экан, улуғларимизни асло унутмайлик, уларнинг дуосини олайлик, устозларга садоқатимиз ила туюладиган чинакам саодат нашидасини ҳис этайлик.

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**

Xullas...

### ИСКОВИЧ ИТНИНГ МАҲОРАТИ

Искович итлар билан ишлайдиган қозоғистонлик Валерий Прошенко ўз ҳамкасблари орасида мисли кўрилмаган натижага эришди. Унинг Сталкер лақабли ити 75 кило марихуанани топиб, республика ички ишлар вазирлигида алоҳида мақтовга сазовор бўлди.

Гиёҳванд модда агар "мижоз"ига тушганда "сотувчи" қозоқларнинг тангасида бир ярим миллионни, Россия рублида эса 300 мингни қуртдек санаб олиш "имконият"ига эга бўларди.

### ФИРИБГАР ТЕКИНТОМОҚЛАР

Америкадаги қаҳвахоналардан бирига кириб, тамадди учун пул тўлаган хўрандалар сотувчида шубҳа уйғотди. 200 долларлик пулнинг юза қисмига президент кичик Жорж Бушнинг кулиб турган сурати, иккинчи томонида эса Оқ уй ҳамда унинг теграсидаги турли плакатлар кўзга ташланарди: "Шармандагарчиликнинг ниҳояси борми?", "Бизнинг ҳукумат ёлғончи", "Биз карамни яхши кўрамиз" ва ҳоказо.

Кентукки шаҳар полицияси яшин тезлигида етиб келиб, ясама доллар билан қаҳвахонага кирганларни ҳибсга олди. Улар нафақат фирибгарликда, балки еганичгани учун пул тўламаганликда ҳам айбланади.

### 35 ФОИЗИ СОЛИҚҚА

Лотерея "жинни"ларидан бири уфалик Надежда хонимга сира омад кулиб боқмасди. Қанчадан-қанча пулларнинг ҳавога учгани унга алам қилар, аммо ҳар сафар ютуқ чиқмаса чиқмасдики, бошқалар сингари ҳафсаласи пир бўлиб, қўлини силтамасди.

Шундай қилиб, Надежда хоним янги йил арафасида 110 рублнинг баҳридан кечиб, яна лотерея билетларини сотиб олди. Буни қарангки, аёл лотерея билети рақами тўғрисига ёзилган ютуқни кўриб ҳушидан кетаёзди. Унда АҚШнинг миллион долларига тўғри келадиган Россия рубли кўрсатилганди. Икки ўғли ва эри билан ночоргина яшайдиган аёлнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Пул ютуғининг 35 фоизи даромад солиғига чегириладими дейишганида, Надежда хоним: "Менга қолгани ҳам етади!" деди, шукроналик билан.

ana shunaqa gaplar...

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати, физика-математика факультети ҳамда "Математика ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси жамоаси кафедра доценти А. Дусумбетовга ўғли

**УЛУҒБЕКнинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент туманидаги 9-мактаб жамоаси Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, шу мактабнинг собиқ директори Ҳотам Иноғомовга ўғли

**Қобилжон ИНОҒОМОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари таҳририятда терилди IBM компьютерида
Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА,
навбатчи Баҳодир ЭЛИБОЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2117. Тиражи 38.273.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.